

“Рўза”га ўхшаши лозим “кўза”лар

05:00 / 14.01.2017 3651

Рамазон ойида суҳбатдошининг рўза тутган ё тутмаганини билиш ниятида “рўзамисиз, ё кўзамисиз?”, деган саволга дуч келишингиз мумкин. Айниқса, хозиргидек кун узун, тун қисқа вақтларда бундай саволларни бир-бирига берувчилар кўпроқ учрайди. Саволдаги “рўза” рўзадордан, “кўза” сўзи эса рўза тутмаганлардан киноядир.

Аслида рўза Ислом арконларидан учинчи муҳим рукн бўлиб, узрсиз ҳолатда барча мусулмоннинг зиммасига рўза тутиш фарз ва лозимдир. Шунингдек, куннинг аввалида рўза тутмасликка шаръан рухсати бор кишилар ҳам кун давомида рухсат сабаблари зоил бўлса, куннинг қолган қисмини рўзадорлар каби ейиш, ичиш ва жинсий муносабатлардан ўзларини тийиб кунни кеч қилишлари шарт бўлади. Улар қуйидаги ҳолатларга тушиб қолган кишилардир:

- 1- Саҳарлик вақтидан кейин балоғатга етган гўдак. Куннинг аввалида сабий—балоғатга етмаган ёш эди-ю бироқ, кундузи балоғатга етди. Бундай ҳолатга дуч келган мусулмон куннинг қолган қисмини худди рўзадорлар каби емасдан, ичмасдан ва жинсий муносабатда бўлмасдан ўтказадилар.
- 2- Саҳарлик вақти ўтгач мусулмон бўлган киши. Куннинг аввалида ғайри мусулмон эди-ю бироқ, кун давомида имон келтириб мусулмон бўлди. Бундай киши ҳам куннинг қолган қисмини гўё рўзадорлар сингари ўтказиши вожиб бўлади.
- 3- Хушига келган мажнун. Яъни, саҳар вақтида эс-хуши жойида бўлмаган мажнун саҳарлик вақти ўтгач ўзига келиб қолса, унга энди куннинг қолган қисмини рўзадорлар қатори ўтказиш вожиб бўлади.
- 4- Пок бўлган хоиза. Саҳарлик чоғида хайз ҳолатида бўлган аёл, саҳарлик вақти ўтгач хайзидан пок бўлса, куннинг қолган қисмини ўзини худди рўза тутганлар қатори тутиши лозим бўлади.
- 5- Сафарни тамомлаб келган мусофир. Саҳар вақтидасафарда бўлган киши, саҳарлик вати ўтгач муқим бўлиб ўз юртига етиб келса, куннинг қолган қисмини муқим рўзадорлар каби емасдан, ичмасдан, нафсини тийиб

кеч қилиши лозим бўлади.

6- Рамазонда шубҳа туфайли рўза тутмаган киши. Масалан: шак куни рўза тутмасдан тонг оттирган киши нонушта қилиб олгач, ўша куннинг Рамазондан эканини билиб қолса куннинг қолган қисмини худди рўзадор каби ўтказиши лозим бўлади.

7- Гумон туфайли таомланган киши. Масалан: тонг отиб саҳарлик вақти ўтиб кетди, деган гумон ила нонушта қилиб олган киши, вақтни белгилашда адашганини билиб қолса, куннинг қолган қисмини худди рўзадорлар каби ўтказиши вожиб бўлади.

Шу етти ҳолатга дуч келган кимсалар маҳаллий тилимизда “кўза” (оғзи очиқ рўза тутмаган) дейилсада, улар бемалол таомланиб юришлари мумкин эмас. Балки Рамазони шарифнинг ҳурмати учун ўзларини тийиб худди рўзадорлар каби то шомга қадар рўзанинг мажбуриятларига амал қилиб кун кеч қилишлари лозим бўлади.

“Бадойе” асосида Ҳикматуллоҳ Иброҳим тайёрлади